

SAIGA NEWS

Экология ва сайгоқни сақлаш масалалари бўйича ахборот алмашиш учун 6 тилда чоп этилади



Н.Синех сурати

Яшкул питомнигида сайгоқ эркаги, Россия.

Биолог-овшунослар халқаро иттифоқининг XXIX Конгрессида сайгоқ музокара мавзуси бўлди

Сайгоқ (*Saiga tatarica*) ни сақлаш бўйича халқаро ҳамкорлик Биолог-овшунослар Халқаро иттифоқининг XXIX Конгрессида музокаралар учун алоҳида мавзу бўлди (Москва, 2009 й. август).

РФ Қишлоқ хўжалиги Вазирлиги ва СІС - Овлаш ва ёввойи табиатни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро кенгашнинг ёрдами туфайли сайгоқни деярли бутун ареалидан кўпгина сайгоқ бўйича асосий экспертлар Конгрессида иштирок эта олдилар, бу эса сайгоқни сақлаш мавзусига Конгресс дастурида муносиб ўрин эгаллашни таъминлади.

Мавзуни «Инсон ва Биосфера» (МАН) ЮНЕСКО дастури бўйича Россия кўмитаси раисининг ўринбосари, IUGB илмий кўмитаси аъзоси, кўп йилдан буён сайгоқни сақлаш учун курашаётган Валерий Михайлович Неронов тақдим этди. Унинг марузасида сўнгги йилларда сайгоқни сақлаш ишида маҳаллий ва халқаро табиатни сақлаш ташкилотлари ва миллий ҳукуматлар томонидан эришилган жиддий тараққиёт белгилангани, бироқ бу билан бирга сайгоқ билан вазият аввалгидай кескин бўлиб қолаётгани

Охири 2- бетда.

Қуйидагиларнинг молиявий кўмагида чоп этилади:

Оҳири (боши 1-бетда.)

ва мавжуд бўлган муаммоларни ечиш учун янада барқарор молиявий ва институционал ёрдам, айниқса Россияда кераклиги таъкидланди.

Конгресснинг тўртинчи куни сайёқни сақлашнинг турли жиҳатларига қаратилган секция бўлиб ўтди. Эрталабки йиғилишда 90 киши иштирок этди, саккизта маъруза тақдим этилди ва секция иштирокчиларининг кенг географиясини акс эттирадиган, еттига стендли презентациялар муҳокама қилинди: Украинадан (В.С.Гавриленко “Аскания-Нова” биосфера қўриқхонасида ўнлаб йиллар давомида мавжуд бўлган, сайёқ вольер популяциясининг популяцион динамикаси тўғрисида қизиқarli маъруза қилди), Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Мўғулистонгача (Б.Чимеддорж мўғил сайёғи мониторингини олиб бориш ва маҳаллий аҳоли томонидан унинг муҳофазаси бўйича дастурларни қўллаб-қувватлашини таъминлаш учун қўйилган асосий қадамларни таърифлади). Мўғулистон маърузасида табиатни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий ва халқаро мутахассислар, аввал турли ёндашиш ва устунликларга асосланиб, муваффақиятли ечимга олиб келадиган асосий муаммо ва йўللари келишилган ҳолда тушинишга биргаликда бориши мумкинлиги ишонarli қилиб кўрсатилди.

Маърузачилар Алматида Сайёқ бўйича Ҳамжихатлик Меморандумини имзолаган давлатлар кенгашида Сайёқ ареали давлатлари томонидан 2006 йилда мувофиқлаштирилган, Ўрта муддатли дастур(СРП) бажарилишининг натижаларини ёритдилар. Дастурда сайёқни сақлаш учун зарур бўлган ҳаракатлар кўрсатиб чиқилган, зарурлиги даражаси ва тур ҳолатига таъсири бўйича устунликлар қўйиб чиқилган. Маърузаларни тинглаб, секция иштирокчилари СРПнинг ҳам аҳамиятли тараққиётга эришилган, ҳам ҳозирча бажарилмай қолаётган йўналишлари белгиланган резолюцияни қабул қилдилар. Айниқса халқаро савдо мавзуси бўйича тараққиёт йўқлиги қатта камчиликдир. СРП беш йилга мўлжалланган (2010 йилгача) ва уни сайёқни сақлашда халқаро ҳаракатларнинг мониторинги ва бирлашувининг муҳим асбоби деб ҳисобласа бўлади. Резолюция сайёқни сақлаш бўйича Альянс вебсайтида ва “Степной бюллетень” ойнасида нашр қилинган. (№29, 2009).

Кечкурун сайёқни сақлаш бўйича Альянс(SCA)нинг ҳар йилги учрашуви ўтказилди. Альянс – бу, СС институционал аъзоларидан бири бўлган, сайёқни сақлаш учун ишлаётган мутахассисларнинг халқаро тармоғи.

Янгиликлар

Қалмоғистонда 2010 йил сайёқ йили деб эълон қилинди

2009й. 30 ноябрда Қалмиқ Республикаси раҳбари Кирсан Илюмжинов Қалмоғистонда 2010 йилни Сайёқ йили деб эълон қилиниши тўғрисида 422-сонли Қарорни имзолади. Бу европа сайёғи популяциясини сақлаш, Қалмиқ Республикаси ҳудудида ҳуқуқни ҳимояловчи тизимлар фаолиятини яхшилаш, шунингдек сайёқ муҳофазасининг самарадорлигини ошириш учун тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш мақсадида қилинди. Сайёқ йилини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитани республика президенти бошқарди.



IUGB сурати

IUGB-2009 сайёқ бўйича махсус секция қатнашчилари

SCA кичик грантлар ҳар йилги танловининг натижаларини эълон қилиш учрашувининг ёрқин ҳодисаси бўлди. Танлов мақсади – тур ареали мамлакатларида кенг қўламли молиялаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда ўтказиладиган алоҳида кичик грантларни қўллаб, маҳаллий даражада сайёқни сақлаш учун имкониятларни шакллантириш. бундай лойиҳалар СРП бажарилишига ёрдам беради. Бу йил кичик грантлар дастури олдинги йиллардагидек Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро тармоғи (WCN) томонидан ва илк бор Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш ва овлаш бўйича Халқаро кенгаш (СIC) томонидан қўллаб-қувватланди. Альянсининг Ижроия қўмитаси SCA фаолиятининг соҳалари ва сайёқ ареалининг турли мамлакатлари намойиш этилган тўртта лойиҳани қўллади. (қуй. қар.).

Шунингдек янги устав қабул қилинди ва Альянсини бошқариш тизими тасдиқланди, бу унга Буюк Британияда хайрия ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтишига имкон беради.

Бундан ташқари, SCA фаолиятининг бошқа йўналишлари, шу жумладан Saiga News бюллетенининг чиқиши бўйича ҳам ютуқлар муҳокама қилинди.

Конгресснинг сўнгги куни сайёқ билан боғлиқ бўлган яна битта ҳодиса билан белгиланди. Альянс аъзоси, Қалмоғистонлик чўл антилопаси экологияси тадқиқотчиси Надежда Арилова биолог-овшунослар халқаро иттифоқининг ёш олимлар орасида энг яхши маърузага ўтказилган танловида учинчи мукофот совриндори бўлди. Бундай эътироф Қалмоғистонда сайёқнинг келажаги ишончли қўлларда эканлигига умид қилишга имкон беради.

Профессор Э.Дж. МилнерГулланд
ИмпериаЛ Коллеж Лондон, SCA Раиси e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk

14 январ куни Қалмоғистон Ҳукумати Сайғоқ йилини ўтказиш бўйича чора-тадбирлар Режасини тасдиқлади. Тегишли ҳужжатни ҚР Ҳукумат Раиси Владимир Сенгелеев имзолади. Тасдиқланган Режа доирасида куйидаги тадбирлар ўтказилади:

1. Сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича махсуслаштирилган отряд тузиш ва фаолиятини ташкиллаштириш;

2. ҚР, ФГУ “Черные земли” Давлат табиат биосфера кўриқхонасида ИИБ иштирокида сайғоқни кўриқлаш бўйича биргаликда рейдлар ўтказиш;

3. Авиаҳисобга олиш ва тепловизор съёмкалардан фойдаланган ҳолда сайғоқ сонини аниқлаш бўйича мониторинг ташкил этиш ва ўтказиш;

4. Радиокузатиш ва мониторинг замонавий усулларида фойдаланиб вольерларда ўстирилган сайғоқларни табиий муҳитга чиқариш бўйича тажриба ўтказиш;

5. Сайғоқ урғочиларини сунний қочириниш бўйича тажриба ўтказиш;

6. Сайғоқ популяциясини тиклаш ва сақлаш муаммолари бўйича россиялик ва хорижий олимлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича ишлар ўтказиш;

7. Сайғоқ популяциясини тиклаш ва сақлаш муаммолари бўйича халқаро илмий-амалий конференция ташкил этиш ва ўтказиш;

8. Сайғоқ шохидан олинадиган моддаларни сунъий синтез қилиш бўйича тадқиқотларни бошлаш бўйича ишлар ўтказиш.



Р.Родион сурати

Янги туғилган сайғоқча.

Бундан ташқари, Тадбирлар режасида ёшлар орасида турли танловлар ўтказиш, ҳужжатли филм ва кўргазмаларни тематик кўрсатувлари кўзда тутилган.

Батафсилроқ:

<http://www.elista.org/elista/pravitelstvom-rk-utverzhdjen-plan-meropriyatiy-po-provedeniyu-goda-sa.html>

<http://www.elista.org/elista/izvestiya-kalmyikii-13.01.10-2.html>

Чўл антилопаларининг яшаш жойларига биринчи халқаро экотур Сайғоқ йилига тўғри келди

2010 йил августда Eastern Approaches инглиз компанияси “Сайга тур” Ростов компанияси ва Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс билан биргаликда Россия жанубида сайғоқнинг яшаш жойларига янги экологик ва маданий саёҳатни таклиф қилдилар. Саёҳат Сайғоқни сақлаш бўйича Альянснинг муҳим лойиҳа худудларига ва шу жумладан “Яшкульский” сайғоқни кўпайтириш бўйича питомниги ва “Степной” заказнигига ташрифдан иборат.

Бу турли кизиқишлар бўйича гуруҳлар учун ишлаб чиқилган ва кенг нарх диапазонини таклиф этадиган, сайғоқ билан боғлиқ биринчи эко-туристик маршрут деб ўйлаймиз. Бу ташаббус айни пайтида бўлди, чунки Сайғоқ йилида бошланаяпти.

Қўшимча маълумот ва регистрация шаклларини куйидаги вебсайтдан олишингиз мумкин:

www.easternapproaches.co.uk.

Сайғоқни Қозоғистон миллий бойлиги сифатида сақлаш

Ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси раисининг ўринбосари Игорь Коваль ўз нутқида сайғоқни сақлаш муаммосини кўтарди. Унинг айтиши бўйича фақат давлат ҳаракатлари, сайғоқни сақлашга ажратилган маблағлар ва алоҳида кўриқланадиган

худудларни яратилиши туфайли бу овланиш турнинг сонини кўпайишига эришилди. У сайғоқнинг ҳозирги сонини 80 минг бошга баҳолади ва кейинчалик уларнинг сони тезда кўпайиши мумкинлигини тахмин қилди. *Батафсил* <http://sim.kz/?p=3114>

Ўзбекистоннинг куч тизимлари сайғоқ муҳофазасига киришишга тайёр

2009 й. октябр-декабрда Ўзбекистонда сайғоқ мисолида ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаш бўйича Ўзбекистон куч тизимларининг хабардорлигини ошириш бўйича бир қатор семинарлар бўлиб ўтди. Семинарлар Тошкент, Нукус ва Устюрт платосининг 2та аҳоли пунктида ўтказилди. Улар ЎзР ФА Зоология институти, Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс, ЎзР Давтабқўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси

Давтабқўмиталари томонидан FFI ёрдамида ва Disney Worldwide Conservation Fund молиявий кўмагида ўтказилди.

Семинар ишида табиатни сақлаш ва табиатдан фойдаланиш ташкилотларининг ходимларидан ташқари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Давлат Божхона Қўмитаси, ИИБ, Ўзбекистон давлат чегараларини муҳофаза қилиш Қўмитаси, Орол табиатни

Муҳофаза қилиш прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ва миллий конунчилигини, ҳайвонларнинг ёввойи турларини олиб кириш/олиб чиқиш божхона қоидаларини ҳисобга олган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида муассасалараро ҳамкорликни яхшилашнинг мумкин бўлган йўллари муҳокама қилинди. Семинар иштирокчилари табиатни муҳофаза қилиш қўнунларини бажарилиши бўйича тажриба алмашдилар. Браконьерлар қўллайдиган транспорт ва қуроллар кўпинча рўйхатдан ўтказилмаган бўлади, шунинг учун сайғоқ ва бошқа ноёб турларни сақлаш бўйича амалий ҳаракатларни амалга ошириш учун Республика табиатни муҳофаза қилиш ва куч тизимлари ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Семинар якунлари бўйича сайғоқ ва унинг қисмларини ноқонуний овлаш ҳамда Республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиш ҳоллари бўйича муассасалараро инфор­мацион алмашувни кучайтириш бўйича қарор қабул қилинди.



Нукусда семинар.



А.Есипов сурати

Тошкентда семинар қатнашчилари.

Қорақалпоғистон Республикаси Давтабқўмитаси базасида инфор­мацион марказ ташкил қилиш таклиф этилди. Бунинг учун хона ва Қорақалпоғистонда Амударё дельтасида тўқайли ўрмонларни сақлаш бўйича ГЭФ/ПРООН лойиҳаси томонидан Давтабқўмитасига тақдим этилган оргтехника мавжуд. Бундан ташқари, семинар иштирокчилари ИИБ ходимлари ва табиатни муҳофаза қилиш инспекторлари билан биргаликда сайғоқнинг яшаш жойларида, биринчи навбатда унинг кўчиб ўтиш ва кўпайиш даврида, рейдлар ўтказиши бўйича қарор қабул қилдилар. Семинар иштирокчилари ҳуқуқни ҳимоялаш органларининг ходимларини табиатни муҳофаза қилиш ва қонунлар бўйича қўшимча ўқитиш ва қўшимча инфор­мацион материалларни чиқариш зарур деб топдилар.

Қўшимча маълумот учун Елена Бикова, esipov@xnet.uz ва Мария Карлстеттерга, Maria.Karlstetter@fauna-flora.org мурожаат қилинг.

Сайғоқни қутқаришнинг калити Анъанавий Хитой медицинаси қўлида

Анъанавий Хитой медицинасига бағишланган Халқаро конференция ва кўргазма 2009 й. 9-11 ноябр кунлари Хитой, Гуанжоу провинциясининг Баюнь Йиғилишлар халқаро саройида бўлиб ўтди. Конференция ХХР Фан ва техника Вазирлиги томонидан 14та тегишли бошқармалар қўмағида ташкил этилди. Конференцияда 18та провинциядан 2800дан ортиқ олимлар, давлат ташкилотлари ходимлари ва тадбиркорлар қатнашдилар. Шунингдек ўз маҳсулотини таклиф қилган 340дан ортиқ тиббиёт компаниялари ҳам иштирок этди. Конференция 9та академик сессиядан ва 8та параллел ўтказилган тадбирлардан иборат бўлди. Д-р Си Янь, Ёввойи табиатни сақлаш бўйича жамият (WCS) Хитой дастурининг директори ва WCS кичик грантлар дастурининг командаси конференцияда иштирок этиб, сайғоқ бўйича инфор­мацион материал тарқатдилар. Д-р Си Янь сайғоқни қутқаришда Анъанавий Хитой медицинасининг муҳим роли тўғрисида презентация қилди. У, айниқса бу турни табиатда жиддий овланишига сабаб бўлган, сайғоқ шохига бўлган эҳтиёжни баланд даражасини таъкидлаб ҳозирги кундаги вазият ва сайғоқ муҳофазаси тўғрисида сўзлаб берди. Сўз якунида у Анъанавий Хитой медицинаси соҳасида ишлаётган мутахассислар, олим ва бошқа иштирокчиларни анъанавий медицинада қўлланиладиган сайғоқ ва бошқа ноёб турларни



Гуйхон Цзян сурати

Д-р Си Янь, WCS Хитой дастурининг директори конференцияда презентация қилмоқда.

сақлашга чақирди. Др. Си Янь барчани табиатни муҳофаза қилиш ғояларини юриштиришга ва альтернатив маҳсулотларни топиш бўйича тадқиқотлар ўтказишга ундади. Презентациядан сўнг конференция иштирокчиларининг баъзилари WCS билан сайғоқни сақлаш соҳасида ҳамкорликда ишлаш ниятини билдирдилар. Қўшимча маълумот учун Гуйхон Цзянга мурожаат қилинг: gzhangwcs@gmail.com.

Сан-Францискода табиатни муҳофаза қилиш бўйича кўргазма

Дженни Леон

2009 й. биринчи хафтасида, Папуа Янги Гвинеядан унча маълум бўлмаган дарахт кенгуруларидан Африка филларигача бўлган турли ҳайвонлар муҳофазаси билан шуғилланадиган ташкилотлар иштирок этган, WCN 8чи кўргазмаси бўлиб ўтди. Биз Елена Бикова билан сайғокни янада танитиш ва унинг муҳофазаси бўйича келажакдаги ҳаракатларни ривожлантиришга молиявий ёрдам топиш мақсадида SCA – Сайғокни сақлаш бўйича Альянсининг вакили бўлдик. Хафта табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассислар учун бир қатор семинарлардан бошланди, уларда биз маркетинг бўйича (*Saiga News* бюллетени безатилишини яхшилаш бўйича махсус тавсияларни ҳисобга олган ҳолда) бебаҳо маслаҳатлар олдик, шунингдек Google Earth сўнгги тадқиқлари ва донорлар билан учрашганда молиявий воситаларни топишнинг энг яхши йўллари тўғрисида билиб олдик.



Мартин Барон сурати

Конференц-марказда АСС столи, Сан-Франциско.

Биз ўзимизнинг қадимги тарафдошларимиз, бизни кўриши билан столимиз ёнига деярли югуриб келган, Окленд ҳайвонот боғидан “ҳайвонот боғи болалари” билан янада яқинроқ танишиб олиқ. Бу ёшларнинг шунча катта қизиқиш кўрсатиши биз учун жуда хуш келди ва келажакда ҳайвонот боғи билан янада яқинроқ муносабатлар ўрнатиш жуда зўр бўлар эди. Болалар сайғок тўғрисида кўргазмада икки йил аввал эшитишган ва шундан кейин сайғок билан қизиқа бошлаган, бу эса тушунишни кучайтириш учун бундай тадбирлар қанчалик самарали бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Донорлар билан сўнгги учрашув Лос Альтосда WCN асосчиси Чарли Нолеснинг уйида бўлиб ўтди. Бу кеча жума кундаги учрашувда бошланган мулоқотни давом эттиришга, янги танишлар орттиришга ва SCA донорлари билан учрашишга имкон берди. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар ўзи, кўриқланадиган тури ва ташкилотлари билан таништириш имконига эга бўлдилар. Хатто улар орасида ҳайвонларининг “энг қизиқарли” ҳислати бўйича мусобақа ҳам бошланиб кетди; масалан оқбошли тамарин “энг ёқимтой маймунча” номини олди, сайғок эса “энг ғаройиб бурун”га даъвогар бўлди! Кечада иккита ажойиб мусика гуруҳи куйлади, WCN волонтерлари маззали овқатлар тортишди, “Қоплон ва бошқалар” ташкилоти эса йиғилганларга ёввойи мушукларни намойиш этди.

Умуман олганда саёхат тўлиқ ва муваффақиятли бўлди. Сайғокни сақлаш бўйича ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга бир нечта хусусий донорларни жалб қила олдик деб умид қиламиз. Бундан ташқари, донорларга сайғок яшаш жойларини келиб кўришига имкон берадиган экотуризмни ривожлантириш ҳамда хунармандчилик буюмларини сотишни ташкил этиш каби янги ғоя ва тавсиялар берган, кўп мутахассислар билан учрашдик. Бу ғоялар Альянсининг Васийлар кенгашида муҳокама қилинади. Бу жуда ажойиб ҳодиса бўлди ва мен сайғокнинг вакили бўлганимдан жуда фахрланаман. WCN штати ва волонтерларининг командасига бизга шундай имкон берганлари учун миннатдорчилик билдирмоқчи эдим.

Қушимча маълумот учун Елена Бикова, esipov@xnet.uz ва Дженни Леон, jenny.leon08@imperial.ac.uk га мурожаат қилинг.



Мартин Барон сурати

д-р Дж. Гудалл – WCN экспо махсус меҳмонининг қизиқарли презентацияси

Жума кунги коктейлда донорлар билан биринчи учрашувдаёқ биз янги билимларимиздан фойдаландик. Бу, 150дан ортиқ донорлар таклиф этилган, учрашувда табиат муҳофазаси доирасида энг машҳур ва илҳомлантирадиган шахс бўлган д-р. Дж. Гудалл асосий сўзга чиқувчи бўлди. Кейинги кун эрталаб бизлар Сан-Францискога, кенг омма учун очиқ бўлган кўргазмага йўл олдик. SCA столи кўргазманинг марказий қисмида жойлашган эди. Бу бизга кўргазмага кираётган ва WCN ҳамкорлари сонидан табиат муҳофазаси бўйича мутахассислар ўз ҳайвонлари ва табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатлари бўйича 30-минутлик презентация қилаётган конференц-залдан чиқаётган одамлар эътиборини жалб этишга ёрдам берди. Елена сайғок, унинг яшаш давлатлари ва сақланиши бўйича SCA томонидан ўтказиладиган тадбирлар туширилган суратлар билан асосланган, кўпгина информатив ва эмоционал даллиларни ўзига қамраб олган презентацияси бўйича кўп табриқлар олди.

Ҳайвонларни химоя қилиш ҳафтаси!



Ҳар йили бутун дунё бўйича IFAW Ҳайвонларни химоя қилиш халқаро фонди томонидан ҳайвонларни химоя қилиш ҳафтаси ташкил этилади. 2009 й. 21 сентябрдан 2 октябргача бундай ҳафта Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази мутахассисларнинг раҳбарлигида ҚР А.В.Очиров номли Гашун ўрта умумтарбия мактабида ўтказилди.

IFAW бир неча йилдан бери сақланиши бўйича лойиҳаларни қўллаб келаётган, сайғоққа бу тадбирларда алоҳида жой ажратилди. Ўқувчилар орасида энг яхши экологик расм ва плакат; энг яхши ҳикоя ва шеърларга ўтказилган танловлар ўсиб келаётган авлодга “кичик дўстларимиз” дунёси бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Қўшимча маълумот учун Т.К.Босхонджиевага ва Ю.Н.Ариловга мурожаат қилинг, kalmsaiga@mail.ru.

Россия ва Хитойнинг чегарадош ҳудудларида савдо камаймаяпти

Ҳар йили WWF Россия, Узоқ Шарқда TRAFFIC дастури ва Россия божхона академияси Владивосток филиалининг Табиат муҳофазаси божхона таъминотининг Ўқув-методик маркази ходимлари томонидан фауна ва флоранинг ноёб турлари ва улардан тайёрланган маҳсулот савдосини кузатиб бориш мақсадида, Приморск ва Хабаровск ўлкаларининг чегарадош шаҳарларида, ҳамда Хитой, Хэйлунцзян провинциясида магазин ва бозорларнинг мониторингинг ўтказилади. Бу иш “бозор чакқон” бўлган давр:



USFWS сурати

Чегарада мусодара қилинган, сайғоқ шохидан лицензияланмаган маҳсулот.

апрелдан сентябргача ўтказилади. Бу йил Россия ҳудудида 10та стационар ва 13та тартибсиз равишда тузилган бозорлар кишлоқ жойда текширилди. Текширишлар ноқонуний савдо мақсадида ўсимлик ва кўзкоринларни ноқонуний тайёрлаш, ёввойи ҳайвонларнинг браконьерлик овлиниши кенг тарқалган ходиса эканлигини кўрсатди. Сотувчиларнинг кўпчилиги овлаш ва тайёрлаш тақиқланганлиги ва жарима солинишини биладилар, бироқ, қўшимча даромад олиш нияти одамларни ноқонуний ишга ундайди.

Мониторинг шунингдек чегаранинг бошқа томонида ҳам ўтказилди. Хитойда зоотовар ва денгиз маҳсулотлари бозори, Хитой халқ таъбири учун маҳсулот ва ҳам ашё улгуржи бозори ва ўндан ортиқ давлат ва хусусий дорихоналар текширилди. Сотувда изюбр, косуля, сайғоқ, трепанг, кабарга, сивуч, ёввойи женьшен ва турли бақалар каби ҳайвон ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар бор эди. Сотувчиларнинг ўзлари молларнинг маълум бир қисми Россиядан олиб келинганлигини бекитмаслиги ва уларнинг кўпчилиги бу мамлакатдан олиб келинган ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар қисмларини ноқонуний йўл билан ҳам олишга манфаатдорлигини бекитмаслиги маълум бўлди. Бу биоресурслар катта ҳажмининг контрабандаси Россия-Хитой чегараси орқали амалга оширилишидан далолат беради.

Батафсил:

http://www.uralpolit.ru/federal/polit/e_s_r/id_156245.html.

Мўғулистонда сайғоқ учётлари ўтказилди

2009 й. 11-12 октябрда МАВА лойиҳаси доирасида Мўғулистонда сайғоқни ҳисобга олишлар ўтказилди. Гуруҳлар GPSдан фойдаланиб бир вақтда бўлган нуқтали ҳисобга олишларни ўтказди. Аниқ ва батафсил маълумот йиғиш муҳимлиги бўйича барча гуруҳларга кўрсатма берилди. Сайғоқнинг жойлашиши бўйича маълумотлардан ташқари сана, вақт, кузатувчининг исми, об-ҳаво, поданинг катталиги ва тури, сайғоқларни ўзини тутиши ва яшаш жойининг тури ҳам қайд қилинди. Сони 4022 бош бўлган 380та пода ҳисобга олинди, ҳисобга олишлар сайғоқнинг маълум бўлган ареалининг 70%ни қоплади. Поданинг ўртacha катталиги 10,5 зотни ташкил этди (1-73). Шаргин Гоби ва Хуйсин Гоби субпопуляциялари орасида доимий алоқани ушлаб турадиган миграцион йўлаклар чегарасида ҳаммаси бўлиб 942 бошли 85та гуруҳ ҳисобга олинди (23,4%).



МАВА сурати

Қўшимча маълумот учун, илтимос, Б. Чимеддоржга мурожаат қилинг, chimeddorj@wwf.mn.

Сайғоқ сони 2009 йилда кўпайди

«Сайғоқ сони ўтган йилга нисбатан 32,7 %га кўпайди ва 81 минг бошга етди, бу унинг табиий қайта тикланиши учун қулай шароит яратади», - 18 январ куни муассаса коллегиясининг кенгайтирилган йиғилишида Қозоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ахилбек Куришбаев таъкидлади.

«Степной» заказнигида браконьер тўхтатиб қолинди

2009 й. 1 сентябрда Лиман райони «Степной» давлат табиий заказниги ҳудудида сайғоқнинг ноқонуний овлаш ҳоли аниқланди. Жонивор биринчи мототехника ёрдамида ҳолдан тойдирилган, таёқлар билан қарахт қилиб ўлдирилган. Заказник ходимлари ва Астрахан области атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш хизмати давлат инспекторларининг ўзаро

Унинг айтиши бўйича, ноёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турини муҳофаза қилиш бўйича ишлар инспекцион хизматлар фаолиятининг жонланиши ҳисобига сезиларли даражада яхшиланди.
Батафсилроқ: <http://inform.kz/rus/article/2228351>.

мослашган ҳаракатлари туфайли браконьер тўхтатиб қолинди. У Қалмоғистон Республикаси Яшқўл қишлоғида яшовчи бўлиб чиқди. РФ ЖК 258-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Тергов кетяпти.
Батафсил: <http://www.astrakhan.net/?ai=21863>.

Қозоғистонда браконьерликнинг олдини олиш ҳоллари

Қозоғистонда яқинда браконьерларни тўхтатиб қолиш ҳоллари кўп бўлди.

Бетнақдала популяцияси:

2009 й. 21 сентябрда РГКП ПО «Охотзоопром» инспекторлари томонидан ИЖ мотоциклида сайғоқни ноқонуний овлаётган, Жайрем қишлоғининг 36 ёшли яшовчиси қўлга олинди. Текширув натижасида иккита сайғоқ (шоҳдорлар) танаси, милтиқ, бинокль ва патронташ топилди. Бундан ташқари, қўлга тушириш жойига яқин учта сайғоқ танаси бекитилган пана жой топилди. 2009 й. 22 сентябрда материал ва ашёвий далиллар Караганда области Нурун ИИБга ўтказилди.

2010 й. 4 январда *Kazakhstan Today* хабар беришича "Иргиз-Торгай" резервати ҳудудида Қозоғистон, Орол райони Акеспе қишлоғининг 33 ёшли яшовчиси томонидан бошқарилаётган давлат рақамлари бўлмаган "ИЖ-Планета" мотоцикли Иргиз ИИБ ходимлари томонидан ушлаб қолинган. Текширув давомида сайғоқнинг шохи арраланган 5та танаси, 16чи калибрли қўшоғиз ов милтиғи ва 50та патрон топилган. Ҳозирги вақтда ушбу далил бўйича ҚР ЖКнинг 288-моддаси (ноқонуний ов) бўйича жиноий иш қўзғатилиши муҳокама қилинмоқда.

Батафсил: <http://kt.kz/index.php?lang=rus&uin=1133168020&chapter=1153497956>;
<http://kt.kz/index.php?lang=rus&uin=1133168020&chapter=1153506653>.

Устюрт популяцияси:

2009 й. 8 октябрда Жулдуз посёлкасида машинасида ҳеч қандай ҳужжатсиз сайғоқ танаси бўлган иккита браконьер тўхтатиб қолинди. 13 октябрда Актюбинск области Устюрт платосида Актау яшовчиси 16та сайғоқни ўлдирилган. Браконьер ПО «Охотзоопром» инспекторлари томонидан ушлаб қолинган. 25 октябрда овинспекторлари текширув учун джип автомашинасини тўхтатмоқчи бўлганлар. Машина тўхташ ўрнига, қочган. Инспекторлар орақасидан қувган. Қувиш вақтида улар машинадан 3та сайғоқ танаси ва милтиқ ташланганини кўришган. Уч киши ушлаб қолинди. Жиноий иш қўзғатилган.

Батафсил: <http://kt.kz/index.php?lang=rus&uin=1133168098&chapter=1153500005>; <http://diapazon.tv/2009/10/28/sajjgu-bjut-no-ona-ne-vymiraet.html>.

Ўрол популяцияси:

2009 й. 20 октябрда Сайхин посёлкасидан чиқишда инспекторлар картон қутиларга жойлаштирилган 88та сайғоқ шохини олиб кетаётган "ГАЗель"ни тўхтатиб қолдилар. Тўхтатиб қолинган ўзи ов қилмагани ва маҳаллий аҳолидан донасини 300 тангадан 1000 тангагача сотиб олганини тушинтирди. У шохларни Алматига олиб бориб сотмоқчи бўлган. 44та сайғоқнинг ўлдирилиши билан ўрмон фондида етказилган зарар 11 млн. 404 минг тангага баҳоланяпти.

Батафсил: <http://diapazon.tv/2009/10/28/sajjgu-bjut-no-ona-ne-vymiraet.html>.

Қозоғистонда коррупция билан кураш кетмоқда

Молия полицияси органларининг тақдим этиши бўйича ўрмончилик ва овчилик хўжалигининг Актюбинск области ҳудудий инспекциясининг бошлиқ ўринбосари Гусевга сайғоқларни отиб олишга

ноқонуний лицензия берганлиги учун қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган. *Батафсил:*

<http://diapazon.tv/kazakhstan/20245-44-gossluzhashhikh-uvoleny-v-jetom-godu-po.html>.

Хитой қамоқхоналарида Қирғизистоннинг 9та фуқароси

жазо муддатини ўтамоқда

Қирғизистон фуқаролари босқинчилик билан ўлдириш, наркотик контрабандаси ва савдоси, сайғоқ шохи контрабандаси учун жазога ҳукм қилинган. Қирғизистонликларнинг бири ўлим жазосига, кейинчалик 19 йил озодсизликка ҳукм қилинган. Икки нафар фуқаро умрбод қамоқ жазосини ўтамоқда.

Яна 4 нафар фуқарога у узок муддатларга алмаштирилган. Ҳозирги вақтда Қирғизистон Республикаси Бош прокуратураси жазоланганларни қайтариш бўйича Хитой билан икки томонлама шартномани мослаштириш ва имзолаш устида иш олиб борапти. *Батафсил:*

<http://ru.trend.az/regions/casia/kyrgyzstan/1616292.html>.

Сайғоқ яна хавф остида: ҳаракат қилишга чақирик

Оғир аҳволда бўлган Шимолий-Ғарбий Каспий олди (Россия) сайғоқ популяцияси, қаҳратон қиш ва браконьерлик сабабли яна ялпи қирилиш хавфи олдида турибди. Бу соннинг ўн йил ичида 95 % қисқарилиши йирик сут эмизувчилар орасида энг шиддатлиги деб топилди. Сўнгги йилларда бир нечта популяциялар, шу жумладан Россияда баҳоланиши бўйича 20 000 хайвон яшайдиган Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяцияси учун, паст даражада соннинг стабилланиши кузатилган эди.

Бироқ, Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяцияси бу йилги қишда “джут” деб номланган ҳодисадан жабрланмоқда. Муз парда билан қопланган чуқур қор озикланиши ва юришини жуда қийинлаштиради. Сўнгги марта джут Шимолий-Ғарбий Каспий олдида 1998/1999йй. кузатилган ва, эҳтимол қилинишича, у қишда хайвонларнинг сонини 150 минг бошдан 50 минг бошга қисқарилишининг сабабчиси бўлган. 2010 йил 12 февралдаги «Известия Калмикии» газетасида хабар берилишича ҳозирги вақтда сайғоқ сони 8 минг бошгача қисқарган бўлиши мумкин, бироқ бу популяция катталигига джут таъсирининг ҳозирча ҳеч қандай тегишли баҳоланиши ўтказилмаган. Бу йилги қишнинг шароитлари популяциянинг шу қадар қисқарилиши ва бу, унинг қирилишига олиб келиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Шунингдек, ҳозирги кунда Шимолий-Ғарбий Каспий олдида браконьерлик ва ноқонуний гўшт савдоси кучайганлиги кўрсатилган. Қалмоғистон Республикаси табиий ресурслар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетикани ривожлантириш министрининг ўринбосари Юрий Каминов деди: “Вазият назорат остидан чиқди. Яшқул районида сайғоқ гўшти савдоси кетаётганлиги тўғрисида маълумот бор.”

Чуқур қорда сайғоқлар браконьерлардан қоча олмайди ва деярли енгил ўлжа бўлади. Қозоғистонда бундай шароитларда браконьерлар снегоходлардан фойдаланишлари маълум.

Шимолий-Ғарбий Каспий олди популяциясининг катта қисми яшайдиган Қалмоғистон Республикаси табиий ресурслар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва энергетикани ривожлантириш Министрлиги юзага келган вазиятдан катта ташвишда ва: “Вужудга келган вазиятларда сайғоқдан умуман айрилишимиз мумкинли”гини белгилаб ёрдам учун мурожаат қилмоқда.

Браконьерлик ва сайғоқ гўшти савдоси сайғоқ яшайдиган барча мамлакатларда, шу жумладан Россияда ҳам таъқиқланган, бироқ тегишли қонунларни қўллашда жиддий камчиликлар сезилмоқда. Бу, айниқса, 2008 й. январда хайвонот дунёсини бошқариш Москвадан регионларга ўтказилиши билан боғлиқ молиялаштирилишининг етмаслиги сабабдан Қалмоғистон учун долзарбдир. Шу вақтдан бошлаб, Қалмоғистон Республикаси худудида биохилма-хиллик муҳофазаси учун жавоб берадиган, инспекторлар сони 30 кишидан бгача қисқарди. Бу рақамлар қолган инспекторлар кўп турларни муҳофаза қилиши кераклиги ва майдони 75,000 км² яқин бўлган Қалмоғистон Республикаси Ирландиядан бир неча марта катталиги нуқтаи назаридан катта ташвишга солади.

Қалмоғистон Республикаси ва Астрахан области Маъмурияти сайғоқни қутқариш ҳаракатларига ёрдам сўраб донорларга мурожаат қиляпти. Уларга патрул машиналарига ёқилғи олиш, яхшироқ жиҳозланган транспорт воситаларини сотиб олиш ва сайғоқ муҳофазасида давлат инспекторларига ёрдам бериш учун маҳаллий волонтерларга ҳақ тўлаш учун маблағ зарур. Шунингдек улар, маҳаллий аҳолини юзага келган вазиятдан хабардор қилиш ва уларнинг ёрдамини олиш учун плакатлар, телевидение ва радиодан фойдаланиб, оммавий ахборот воситалари билан кампаниялар ўтказадилар.

Д-р Айлин Кюль
SCA,CMS Котибияти, akuehl@cms.int



Ю. Арлов сурати

2010 й. Қаҳратон қиши. Яшқул питомниги, Қалмоғистон.

Илмий мақолалар

Қозоғистонда сайғоқни кузатиш

Ш.Цутер

Алтин-Дала Табиатни муҳофаза қилиш Ташаббуси, Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциацияси,
steffen.zuther@acbk.kz; office@acbk.kz

Қозоғистон ҳудудида амалга оширилаётган кенг қўламли лойиҳа доирасида, илк бор сайғоқлар йўлдошли бўйинбоқлар билан белгиланди. Бўйинбоқлар ҳар куни жониворларнинг жойлашишини аниқлайди, бу билан ареалининг кенг майдонларида уларнинг кўчиб юришларини кузатишга имкон беради. Олинган маълумотлар бу турнинг сақланишига катта ҳисса қўшади.

2009 й. октябрда 3 hafta давомида 20 та ҳайвон муваффақиятли ушланди ва белгиланди. Бу фаолият Марказий Қозоғистонда чўл ва яримчўл экотизимлари ва уларнинг асосий яшовчиларини сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган “Алтин-Дала Табиатни муҳофаза қилиш Ташаббуси” (ПИАД)нинг қисми бўлади. Белгилаш “АлтинДала” режалаштирилаётган Давлат табиий резервати атрофида ва Иргиз-Тўрғай Давлат табиий резерватидан шимолга, бетпақдала популяцияси ҳайвонларининг асосий зичлашган жойларида ўтказилди.



Ш.Цутер сурати

Сайғоқни тўрға киргазиш учун мотоцикллар ишлатилди.

қочиб кетади. Дала ишлари бошланишидан олдин ва улар вақтида ушлашнинг кўп усуллари муҳокама қилинди ва бу муҳокамада, айниқса қувлаш давомийлигини аниқлаш ва бўйинбоқларни ўрнатиш жиҳатидан, Мўғулистон (WCS ва Биология институти, *Saiga News* 4,6-сонларида мақол. қар.) тажрибаси жуда фойдали бўлди. Ушбу тажриба ва дала командаси аъзолари таклиф қилган ғояларга асосланиб, ҳайвонлар учун ҳавфсиз ва самаралироқ бўлган усул ишлаб чиқилди ва текширилди. Пода топилгандан сўнг, у автомобил ва мотоциклларда таъкиб қилинган, кейин мотоциклда битта жонивор подадан ажратилган ва натижада ерда ётган ва сайғоқ яқинлашганда кўтарилган тўрға ҳайдаб киритилган. Бу усул ҳайвонни “юмшоқ” ушланишини кафолатлаган ва бўйинбоқни тез, стрессни минимал даражага олиб келган ҳолда, ўрнатишга имкон берган.

Яхши тренировка ҳамда одам ва техника ресурсларининг етарлиги туфайли сайғоқларнинг стресси минималлаштирилди. Сайғоқни қувлашнинг максимал вақти 4 минутдан ошмаслиги керак эди, бу эса олдин ўтказилган шу каби тадқиқотлардагидан анча кам эди.



Б. Искаков сурати

Сайғоқларга белги қўйиш бўйича ПИАД дала командаси.

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш Хизмати (СОЖМ) ПИАД бошлиғи Оркен Шаймуханбетов раҳбарлигида, РКП ПО «Охотзоопром» билан биргаликда ўтказилган бу ишда 20дан ортиқ киши қатнашди. Ушлашда “Охотзоопром”нинг тўртта давлат инспектори, шу жумладан иккита тажрибали мотоциклчи иштирок этди. Аввал сайғоқ подаларининг жойлашишини аниқлаш учун самолётдан фойдаланилди, кейин эса уларни ушлаш учун автомобил ва мотоцикллар қўлланилди. Ҳайвонлар билан тўғри ва ҳавфсиз муолажа қилиш учун, ушлаш олдидан биринчи сайғоқларни ушлашда иштирок этган Франкфурт ҳайвонот боғининг ветеринари - д-р Кристина Гайгер раҳбарлигида дала командаси учун бир қатор тренинглар ўтказилди. Тренинг объектлари сифатида уй эчкиларидан фойдаланилди.

Ишнинг энг қийин томони асосан сайғоқларни ушлаш эди, чунки улар жуда ҳурқак ва катта масофадан



А. Саленсареев сурати

Сайғоқ ургочиси белги қўйишдан сўнг.

Қувлаш вақтининг бундай қаттиқ чекланиши кизиш олдини олишга ёрдам беради ва белгиланган вақт тугагандан сўнг ушлаш ҳаракатлари дарҳол тўхтатилишини аниқларди. Бўйинбоқ ўрнатиш вақти 4-5 минут билан чегараланган эди. Бу вақт ичида команда танани ўлчаб кўрарди, ҳароратни ўлчарди, ҳайвоннинг вазнини аниқларди, анализ учун қон ва жун намунасини оларди ва бўйинбоқни ўрнатар эди. Ҳаракатларнинг тезлиги барча сайғоқлар яхши аҳволда қўйиб юборилишининг гарови бўлди.

Ушбу лойиҳада ҳайвонларнинг жойлашини аниқлаш учун GPS ва Қозоғистонда ПИАД шериги – Қозоғистон биохилма-хиллигини сақлаш Ассоциацияси (АСБК)га координатларни юбориш учун Globalstar йўлдош тизими билан таъминланган GPS/Globalstar йўлдошли бўйинбоқлар ишлатилди, бу деярли янги технология. Ҳар куни икки жуфт координатлар қайд этилади ва кунига бар марта юборилади, бу доимий кузатувни олиб боришга имкон беради.

Олинган маълумотлар Охотзоопром ва СОЖМ ПИАД браконьерликка қарши фаолиятини режалаштириш учун дарҳол қўлланилади. Бундан ташқари, бу сайғоқ учун муҳим бўлган яшаш жойларини аниқлашга имкон беради, сайғоқ учун янги кўрикланадиган худудни яратишда ёрдам беради.

Бу лойиҳа Қозоғистон ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитаси (ҚР Қишлоқ хўжалиги Министрлиги), РГКП ПО “Охотзоопром”, Франкфурт зоологик жамияти (FZS) ва (RSPB) Буюк Британия кушларни муҳофаза қилиш Қирол жамиятлари билан биргаликда АСБК томонидан бажариляпти. У Gregor Louisoder Foundation фонди, Германия Техник ҳамкорлиги бўйича жамияти (GTZ) ва Германия халқаро кўчиш ва таракқиёт маркази (СІМ) томонидан қўллаб-қувватланди.

Лойиҳа ва унинг биринчи натижалари бўйича батафсил маълумот кейинроқ, илмий ойнамалар ва вебсайтда тақдим этилади (www.acbk.kz).

Устюртда сайғоқларни сунъий йўлдош орқали кузатиш лойиҳаси бошланди

Ито Т.Й.¹, Шинода М.¹, Есинов А.В.², Грачев Ю.А.³, Н. Сингх⁴, Милнер-Гулланд Э.Дж.⁴

¹Тоттори Университети, ²ЎЗР ФА Зоология институти, ³ҚР МОН Зоология институти, ⁴Империа Коллеж Лондон, ito@alrc.tottori-u.ac.jp

2009 й. ноябрда Устюртда сайғоқларни сунъий йўлдош орқали кузатилиши бошланди. Йўлдош орқали кузатиш ҳайвонларни катта масофаларга кўчиб ўтишини экологик ва табиатни сақлаш тадқиқотларининг кучли асбобидир. Унинг ёрдамида миграция йўллари, яшаш жойлари, ҳайвонларни яшаш жойларини танлаш, уларнинг кўчиш йўлларида учрайдиган тўсиқлар ва бошқаларни тавсиф этиш мумкин. Бу усул турли ҳайвон ва худудлар учун қўлланилади. Сайғоқ йўлдош орқали кузатиш усули билан олиб бориладиган тадқиқотлар учун энг қулай турлардан бири, чунки у жуда катта масофаларга кўчиб юради ва кескин ҳолатда бўлгани учун муҳофазага муҳтож. Устюрт популяцияси Қозоғистон ва Ўзбекистон орасида трансчегара популяция ва бу, албатта, ечилишида лойиҳа ёрдам берадиган, уни бошқариш ва унинг муҳофазаси бўйича муаммоларда муҳим жиҳатдир. Лойиҳа натижалари сайғоқнинг кўчиши механизмини, яшаш жойларни танлашини тушиниш ва Устюрт экотизимини сақлаш учун жуда муҳим бўлади. Бундан ташқари, Мўғилистонда (*Saiga tatarica mongolica*) ва Бетпақдалада йўлдошли бўйинбоқлар билан белгиланган ҳамда, мўғил дзерени (*Procapra gutturosa*) каби катта масофаларга кўчиб юрувчи бошқа кўчманчи



Сайғоқ урғочисига йўлдошли бўйинбоқ ўрнатиш.

турлар билан солиштириш учун маълумотлар оламир.

Сайғоқларни ушлаш ва йўлдошли бўйинбоқлар билан белгилаш 2009 й. 10-13 ноябрда Қозоғистонда устюрт популяцияси ареалининг жанубий қисмида ўтказилди. Биз бир ой илгари бетпақдала популяцияси учун қўлланилган сайғоқларни тутиш усулидан фойдаландик. (юқор. қар.). Сайғоқларни тутишда бизга кўп инспекторлар ва маҳаллий аҳоли ёрдам берди, ҳаммаси бўлиб 20дан ортиқ одам. Биз 10та сайғоқ тутишни режалаштирдик. Бироқ, мотоциклларнинг бузилиши, сайғоқларнинг паст даражадаги зичлиги ва вақтда чегараланганлик каби салбий омиллар сабабли, атиги 5та урғочи сайғоқни муваффақиятли белгиладик. Биз уринишимизларни 2010 йилда такрорлашга келишиб олдик. Саккиз кунли интервал билан сайғоқларнинг жойлашини бўйича маълумот олиш учун биз GPS сиз Argos тизими ва (TAW-4310H, Telonics) йўлдошли передатчиклардан фойдаландик.



Сайғоқ ови учун тўр ўрнатиш.

Передатчиклар 2,5 йил давомида сигнал юборади.

Бу лойиҳа Япониянинг таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар министрлигининг илмий гранти ҳисобидан молиялаштирилиши билан Япония, Тоттори Университетининг чўллари ўрганиш бўйича Илмий маркази, Қозоғистон Республикаси Зоология институти, Қозоғистон ўрмончилик ва овчилик хўжалиги Қўмитасининг “Охотзоопром” ПО, Ўзбекистон

Республикаси Зоология институти ва Империял Коллеж Лондон, Буюк Британияларнинг биргаликдаги иши бўлади. Лойиҳа сайғоқни сақлаш соҳасида узоқ муддатли халқаро ҳамкорлик учун яхши бошланиш бўлади, унинг натижалари Устюрт платосида олиб борилаётган ва келажақда режалаштириладиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун тўғридан тўғри ишлатилади.

Мўғул сайғоқчаларининг омон қолиши бўйича янги маълумотлар

Бувейбаатар Б.¹, Янг Дж.К.², Лхагвасурен Б.¹, Бергер Дж.^{3,4}, Файн А.⁵

¹ Мўғул Фанлар Академиясининг Биология институти, Улан-Батор, Мўғулистон, buuveibaatar@gmail.com;

² Ёввойи табиатни ўрганиш институти, Арката, АҚШ; ³ Биология факультети, Монтана Университети, Миссолина, АҚШ; ⁴ Northern Rockies дала базаси, Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Монтана Университети, Миссолина, АҚШ; ⁵ Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, Улан-Батор, Мўғулистон

2008 й. июнда Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг Мўғулистон Фанлар Академияси билан биргаликдаги ғарбий Мўғулистонда туғилиш муддатлари ва сайғоқчалар омон қолишининг хусусиятларини баҳолаш бўйича икки йиллик лойиҳаси бошланди. (*Saiga News*, 8 сонини қар.). Бу йил 8-21 июнда сайғоқчаларни Шарга қўриқхонасининг улар айнан 2008 йилда ушланган участкасида ушлаш мақсадида дала иши ўтказдик. Биринчи сайғоқча 12 июнда, ўтган йилга нисбатан бир кун олдин ушланди.

Биз янги туғилган сайғоқчаларни ушладик ва VHF 40 радиобўйинбоқлар билан таъминладик. (1 жадв.). уларнинг 45 % эгизак эди. Эркак ва урғочилари орасида вазни бўйича ишончли фарқлар топилмади ($t = 0,9$, $p = 0,3$). Бу йилги сайғоқчаларнинг вазни ўтган йилгиларнинг вазнига нисбатан бироз каттароқ эди (2008: $2,69 \pm 0,36$ кг; 2009: $2,80 \pm 0,41$ кг; $t = 1,3$, $p = 0,1$).

Йирткичлардан бу участкада кўпроқ оддий тулки (*Vulpes vulpes*) учради. Экспедициямиз вақтида учта белгиланган сайғоқча тулки томонидан бўғиб ўлдирилган, биттасини йирткич қуш ўлдирган, яна битта бўйинбоқ ишдан чиққан эди. Яна 3та белгиланган сайғоқча дала сезонимиз тугагандан сўнг 2 hafta давомида ҳалок бўлди. Бу сайғоқчалар ҳам йирткичлар томонидан ўлдирилган (иккитасини – тулки, биттасини – йирткич қуш). Биз белгиланмаган сайғоқчаларга тулкилар хужим қилишининг 4 ҳолати ва биттасининг йирткич қуш томонидан ўлдирилишини кузатдик.

2008 й. белгиланган сайғоқчалардан 21таси омон қолди. Шунда қилиб, ҳозирги вақтда 54та сайғоқча кузатув остида (33таси 2009 й. белгиланган). Мониторингни инспекторлар амалга оширади. Улар Шарга қўриқхонаси ва атрофдаги ҳудудларни мотоциклларда қўздан кечиради ва haftaда камида 2 марта белгиланган сайғоқчаларнинг радиосигналларини аниқлайди.



Б. Чимедорж сурати

Шарга қўриқхонасида янги туғилган сайғоқча.

Сайғоқчаларнинг жойлашиши ва улар ўлимининг излари кейинчалик, бўйинбоқни топиш ва тиклаш билан аниқланади. Тадқиқотларимиз 2008 й. биринчи қишгача 39та белгиланган сайғоқчаларнинг 17таси ҳалок бўлганини кўрсатди. Қиш олди даврида омон қолиш коэффициенти 0,57 (0,42 – 0,72)ни ташкил этди. Апрель-май ўрталарида қолган белгиланган сайғоқчаларнинг жойлашишини аниқлаш учун кейинги текширувлар ўтказилди. Яна иккита сайғоқча ҳалок бўлди, 2та бўйинбоқ сигнал бермади. 54та қолган сайғоқчани кузатиш 2010 йилда ҳам, 2008/2009 йй. ўтказилгандай қуз ва баҳорда олиб борилади.

Жадвал 1. Янги туғилган мўғил сайғоқчаларининг вазни (кг)

Йил	Эркаклар			урғочилар		
	X±m	limit	n	X±m	limit	n
2008	2.79 ± 0.32	2.24 - 3.52	22	2.56 ± 0.38	1.95 - 3.36	18
2009	2.86 ± 0.43	2.32 - 3.83	23	2.74 ± 0.38	2.12 - 3.64	17
Жами	2.82 ± 0.37	2.25 - 3.65	45	2.65 ± 0.38	2.02 - 3.45	35

Гарбий Мўғулистон, Буюк кўллар ҳавзасида сайғоқни сақлаш

Б.Чимеддорж

WWF Мўғулистон, chimeddorj@wwf.mn




2007 й. WWF Мўғулистон МАВА фонди кўмагида янги катта лойиҳани бошлади. Лойиҳанинг узок вақтга мўлжалланган мақсади сайғоқ популяциясини унинг олдинги ареалида кўллаб-қувватлаш ва тиклаш, қонун чиқариш базасини кучайтириш, сайғоқ яшаш жойларида уй чорваси боқилишини истисно қилиш, маҳаллий аҳоли орасида тарғибот олиб бориш ва сайғоқ популяциясининг мониторингини ўтказишдан иборат. Лойиҳа аҳамиятли даражада одамлар фикрини сайғоқ томонга оғдирди ва сайғоқ сонини 2007 й. нисбатан 8% кўпайишига ёрдам берди. Сайғоқ ареали Шаргин Гобида жанубга ва шарққа, Дургун Талда шимолга кенгайди. Шунингдек лойиҳа CBD Конвенцияси (Биохилма-хилликни сақлаш тўғрисидаги Конвенция) бўйича маҳаллий жамоаларни табиатни муҳофазалашга жалб этиш ва давлат ташкилотлари билан аймақлар ҳамда федерал даражада мувофиқликни яхшилаш, НПО ва олимлар билан ўзаро боғланиш каби муҳим муаммоларни ечиш йўналишида Мўғулистон мажбуриятларини бажарилишига катта хисса қўшди. Маҳаллий ҳуқуқни ҳимояловчи органлар ва чорвадорлар жамоалари билан ўзаро тушинишни кучайтириш ва ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш лойиҳанинг бошқа муҳим ютуғи бўлди.

I. Сиёсат

Лойиҳа яхши ўргатилган ва шайланган мобил браконьерликка қарши гуруҳ(МАБГ)ни ва жойларда фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш учун маҳаллий волонтерлар гуруҳи томонидан қувватланадиган 11та асосланган ва малакали инспекторлар тармоғи(Сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича инспекторлар тармоғи, СИОС)ни яратди. СИОС инспекторлари тур биологияси, табиат муҳофазаси, давлатнинг табиатни муҳофазалаш сиёсати, жамоатчилик билан алоқалар, маълумот тўплаш усуллари, кўрикланадиган ҳудудларни бошқариш ва мониторинг олиб бориш усуллари билан таништирилди. Табиат, агроф муҳит ва туризм Министрлиги Бошлиғи: “Сайғоқни муҳофаза қилиш бўйича инспекторлар тармоғи Мўғулистонда энг яхши ва самарадор ҳуқуқни ҳимояловчи бирликдир...”, деб белгилади.

Ёввойи табиат соҳасида кўнунбузарликларни кузатиб бориш ва мониторинги учун яратилган “IRVES” дастури яхши ишламоқда ва Гоби-Олтой аймағида текшириб кўрилди.



Расм. Сайғоқ яшаш жойларида маҳаллий аҳоли гуруҳларининг жойлашиши.

У табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунбузарликлар назорати ва мониторингининг самарали асбоби бўлади, маълумотлар базасига информацияни бирлаштиришга ёрдам беради, бу эса тегишли ҳуқуқни ҳимояловчи органлар орасида ахборот алмашинувини яхшилашга ва мослаштиришга ёрдам беради.

II. Жойлардаги ҳаракат

Қишлоқ жамоалари қишлоқ хўжалиги ерларида сайғоқни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишда муҳим рол ўйнайди. Маҳаллий ёрдамчилар (манфаатдор чўпонлар) маҳаллий аҳолига ерларни бошқариш бўйича асосий билимларни берадилар ва манфаатдор тарафларга ердан фойдаланувчилар гуруҳларини тузишга ва ҳамкорликда бошқариш режаларини ишлаб чиқишга ёрдам берадилар. Сайғоқнинг энг муҳим яшаш жойларида маҳаллий аҳоли сонидан 10 гуруҳ ташкил этилди (харит. қар.) Асосий ғоя чўпонларга иқтисодий аҳволини ҳамма тарафлама яхшилашга, чорва сифатини яхшилашга ва яйловларни бошқаришни яхшилашга ёрдам бериш орқали табиатни муҳофаза қилиш соҳасида уларнинг ёрдамини олишдан иборат. Кўп одамлар чорва молнинг сони кўпайгани, бу ҳаддан ташқари ўтлатишга ва ўсимлик қоплами ҳамда тупроқ сифатининг бузилишига олиб келаётганини тан олмоқда. Хайрият, кўчманчиларнинг янада кўпроқ сони вазиятни тушина бошлади ва эътиборни чорва сонини кўпайтиришдан унинг сифатини оширишга қаратмоқчи; бу сайғоқни сақлаш бўйича лойиҳага янги имкониятларни очади.

III. Жамоатчилик билан алоқалар

Лойиха аймақларнинг таълим тизимлари билан ҳамкорлик тажрибаси ва мактабларда ишлаганда олинган тажрибага асосланган ҳолда Таълим, маданият ва фан Министрлиги (МОН)га маориф миллий тизimini шакллантиришга ёрдам бериб, Мўғулистонда Таълим Миллий стандартларини жорий этишга катта ҳисса қўшди. Маҳаллий аҳоли орасида сайғокни сақлаш муаммолари бўйича тушиниш ва билим даражаси ўсди, бунга ОАВ, шу жумладан маҳаллий телевидение ва радио билан ҳамкорлик ёрдам берди. Маориф Министрлиги томонидан Табиат, атроф муҳит ва туризм Министрлиги билан биргаликда Табиатни муҳофаза қилиш бўйича китоблар ва қонунлар бўйича қўлланмалар маҳаллий аҳоли орасида аймақларда тарқатилди.

Лойиха ҳудудида жойлашган мактабларда 10та ёшлар эко-клуби ташкил этилди. Уларни ўқитувчилар бошқаради, WWF-Мўғулистон ва инспекторлар тармоғи қўллади. Барча эко-клублар табиатни муҳофаза қилиш бўйича режалар ва лойиха томонидан молиялаштирилган кичик дастурлар ишлаб чиққан.

IV. Сайғоқ шохининг ноқонуний савдоси

Биз браконьерлик ва ноқонуний савдо ҳолатлари тўғрисида маълумот берадиган хабарчиларни моддий рағбатлантириш йўли билан, ноқонуний фаолият ҳолларини аниқлашга ёрдам берамиз. Бу сиёсат сайғоқ яшайдиган барча жойларда кенг овоза қилинди. 1 млн. мўғил туғриги (800 АҚШ дол. яқин) миқдорида мукофот пули, ахбороти туфайли 13 сайғокни ўлдирган 4та браконьер ушлаб қолинган, иккита ахборотчига тўланди. МАБГ ва СИОС аймақлар полицияси ҳамда табиатни муҳофазалаш агентликлари билан яқин ҳамкорликда 2008-2009 йй. 14 сайғоққа бўлган 3та браконьерлик ҳолатини аниқлади. Барча ҳоллар Гоби-Олтой район судида кўриб чиқилди. Браконьерлар 5 йил қамок жазосига ҳукм қилинди. Ховд район судида бир неча марта рад этилишдан сўнг 108та сайғоқ шохи билан



Б. Чинсодорж сурати

МАБГ мандат оляпти.

ноқонуний савдо қилиш ҳолати қайта кўриб чиқилди. Иш WWF зўри билан қайта кўрилди. Браконьерлар тегишлича 3,6 йилдан 5 йилгача қамок жазосига ҳукм қилинди.

V. Шерик ва донорлар

Ушбу лойиха Табиат, атроф муҳит ва туризм Министрлиги, регионал ва жойлардаги раҳбарият (аймоқ, сом ва бағлар даражаси) ҳамда халқаро ташкилотлар (SIDA, GTZ, SDC и UNDP) билан ҳамкорликда амалга оширилди. Энг муҳими чўпонлар гуруҳлари, мактаблар ва ўқитувчилар билан конструктив ҳамкорликдир. Лойиха маълумотини Сайғокни сақлаш бўйича Альянснинг сайтида жойлаштилади: <http://www.saiga-conservation.com>. Лойиха командаси Мўғулистонда ва халқаро даражада сайғокни ва унинг яшаш жойларини сақлашга катта ҳисса қўшаётган МАВА Фондига, молиявий кўмаги учун миннатдорчилик билдиради.

Сайғоқнинг тарқалишини харитага олишда маҳаллий аҳолининг билимидан фойдаланиш мумкинми? ¹

¹Империял Коллеж Лондон, jenny.leon08@imperial.ac.uk; ²Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳавонлар маркази; ³ Қалмоғистон Республикаси «Экологик лойихалар маркази»

Кўпинча маҳаллий аҳоли турлар экологияси бўйича чуқур билимга эга ва ундан ҳайвонларни бошқаришни ташкил этишда фойдаланиш мумкин. Бизнинг тадқиқотларимиз Қалмоғистонда, етарлича маълум бўлмаган, сайғоқ тарқалишининг замонавий чегараларини харитага олиш мақсадида ўтказилди. Шунингдек, тавсифланган чегаралар ичида, аҳолидан олинган маълумотларга таъсир этувчи омилларни ҳам ўрганиб чиқдик.

Текширув 2009 й. ёзда ўтказилди. Биз аҳолидан сайғоқларни ўз участкаларида кўрганлиги; йилнинг қайси мавсумида кўрганлиги; сўнгги 12 ой ичида сайғоқларни кўрганлиги ва уларнинг бу ҳудудда учрашига қандай омиллар таъсир кўрсатгани тўғрисида сўрадик. Текширувда биз посёлкаларда яшайдиган одамлардан эмас, узоқ фермаларда яшайдиганлардан сўрадик, чунки иккинчиларида сайғокни кўриш

эҳтимоли катта.

Сайғоқларни кўрган одамларнинг маълумотлари боғлиқ бўлган учта омил бор: 1) Сайғоқлар бўлиши шарт. Бизнинг тахминимизча, бу ўсимликлар ва сувнинг борлиги каби биологик омилларга боғлиқ бўлган. 2) Сайғоқлар у ерда бўлса, кузатувчи уларни кўриши керак. Тахминимизча бу, ушбу ҳудудда одамларни яшашининг давомийлиги ва уларнинг чўлга чиқишининг такрорланиши, вақти ва ишлатиладиган транспорт каби омилларга боғлиқ. 3) Улар сайғокни кўрганлиги тўғрисида бизга хабар беришлари керак. Бу тахминимиз бўйича, одамларнинг ростгўй бўлиш истағига боғлиқ, чунки бу уларнинг браконьерлик фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўрганилаётган ареални Қалмоғистонда сайғоқ ареалининг олдинги баҳоланиши ва экспертлар фикри билан солиштирдик.

Олдинги ареали (Lushchekina and Struchkov, 2001) билан солиштириш Қалмоғистонда унинг аҳамиятли қискарилишини кўрсатди. Бироқ, маҳаллий эксперт (Х. Манжиев) бирмунча каттарок ареални кўрсатяпти (1,2 расм.).


Сайғоқ учрашининг жойи ва вақти каби кўрсаткичлар бўйича мавсумий фарқланишлар белгиланмади. Бу, сайғоқлар мавсумга боғлиқ узоқ давомли кўчиб юрмаслиги ва қўриқланадиган худуддан ташқарида ҳар вақт белгиланиши мумкинлигини англатади. Қўриқланадиган худуддан ташқарида сайғоқнинг тунукун муҳофазасини ташкил этиш зарурлиги жиҳатидан бу жуда муҳим натижадир.

Сўнгги 12 ойга нисбатан илгари ушбу худудда сайғоқларни кўрган одамларнинг маълумотларига турли омиллар таъсир кўрсатган. Одамларни битта жойда яшашининг давомийлиги, ёғимгарчилик (ёғимгарлар қанча кам бўлса, сайғоқлар бу жойда шунча кўп учраган) ва яқинда жойлашган сув булоқларидан фойдалана олиш (сув қанча яқин бўлса, сайғоқни учратиш эҳтимоли шунча кўп бўлади) ўтмишдаги учрашувлари тўғрисида одамлардан олинган маълумотларига таъсир этувчи асосий омиллар бўлган. Бу, тахмин қилганимиздай, ўтмишда сайғоқлар тарқалишига асосан яшаш муҳитининг яроқлиги каби омил таъсир этганлигидан далолат беради. Бироқ сўнгги 12 ойда сайғоқ тўғрисида маълумот олиш даражасига


таъсир этуви ягона омил - инсон омили бўлди, яъни поселкалар аҳолисининг ўзи, бунинг устига, маълумот олиш эҳтимоли, бошқа жойларнинг аҳолисидан олишга қараганда, Яшкўл аҳолисидан олиш эҳтимоли кўпроқ, Комсомольск аҳолисидан олиш эҳтимоли камроқ эди. Бу территориал ўзгаликлар билан боқлиқ бўлиши мумкин, аммо баъзи жойларда одамлар сайғоқ борлиги тўғрисида гапиришни хоҳламаслиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Одамлардан олинган маълумотнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа усули аниқ бир региондан олинган маълумотлар қанчалик бир биридан фарқланишини аниқлашдан иборат – ёнма ён яшайдиган одамлардан ўхшаш маълумот олинishi кутилади. Халхутта п. олинган маълумотлар бир биридан жуда фарқ қилди, Эрденовский п. аҳолиси ҳам маълумот беришда унчалик изчил бўлмади. Бу эҳтимол, ушбу худудларда браконьерликнинг юқори даражаси билан боғлиқдир.

Маҳаллий аҳолининг айтишича, браконьерлик ва сувнинг танқислиги ҳозирги кунда сайғоқнинг тарқалишига таъсир кўрсатадиган асосий сабаблар бўлади. Амалда эса Қалмоғистонда ёғимгарчилик кўпайиб бормоқда, сувдан фойдалана олишнинг қийинлашиши эса сунъий сув булоқлари яроқсиз бўлиб қолганлиги билан боғлиқдир. Бу уй ва ёввойи ҳайвонлар учун лимитловчи омиллар тўғрисида гап кетганда,



1 расм. Сўрлаш натижалари бўйича олинган, топилма нуқталари ва арел чегаралари белгиланган Қалмоғистон харитаси ва эксперт томонидан тавсифланган чегаралар (Х.Манжиев том., "Черные земли" қўриқхонаси и.х.)



2 расм. Сайғоқнинг олдинги тарқалиши харитаси. 1950-1965 йй. ва нисбатан яқиндаги тарқалиши (Lushchekina & Struchkov, 2001)

ёғимгарчиликлар миқдори ва сувдан фойдалана олиш тушунчаларини фарқлаш муҳимлигини кўрсатади.

Ушбу тадқиқот сайғоқнинг замонавий тарқалишини ва унинг ҳозир бўлишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун фойдали бўлди. Шунингдек у маҳаллий аҳолидан олинadиган маълумотнинг аниқлиги

муаммосига тўхталиб ўтди. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини самарали ўтказиш ва сайғоқ экологияси бўйича маълумотлар тўплаш учун маҳаллий аҳоли иштирокида мониторинг ўтказишни яхшилаш учун кўзда тутиш жуда муҳим.

“Европа чўлларининг ноёб ҳайвонлари маркази”да шохдор сайғоқ урғочиси

В.А.Миноранский

«Чўл жонли табиати» Ассоциацияси, Жанубий федерал университети

Сайғоқ аниқ белгиланадиган жинсий диморфизми билан тавсифланади. Урғочилар эркакларидан бир қатор белгилар, шу жумладан шохсизлиги билан фарқланади. Одатда бош суягининг эркакларда шохлар жойлашадиган участкаларида урғочиларида, баъзида шохлар ўсиб чиқадиган, суяк кавариқлар жойлашади. Шимолий-Ғарбий Каспий олдида 10 000 урғочига 2-3 шохдор урғочи учрайди. “Европа чўлларининг ноёб ҳайвонлари маркази”да (кейин. Марказ) битта шундай урғочи бор.

Марказ Россия, Ростов обл. Кундрюченский хуторида 2003 й. ташкил топган. Унинг мақсадларидан бири питомникда кўпайтириш ва табиий экотизимларга чиқариш йўли билан ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаш. Марказда кўп турлар боқилади, уларнинг энг кўп сонлиги сайғоқдир. Бир неча йил давомида у бу ерда муваффақиятли кўпаяпти. Ҳозирги вақтда марказда 47 сайғоқ яшаяпти (*Saiga News* қар., 3 сон).

Шохи ўсиб чиққан урғочи Марказда 2005 й. май ойида туғилди. 2007 йилда у сайғоқча туғди, бироқ 2008 йилда у билан боқилаётган урғочиларга нисбатан у қисир қолган. Кузатувлар шохдор урғочи эркаклардан ўзини четга олишга ҳаракат қилганини кўрсатди. Шунга қарамадан, 2009 йил бу урғочи болалади, бироқ бошқа урғочилардан кечроқ. Унинг боласи нимжон бўлиб, 2-ойлигида шамоллашдан ҳалоқ бўлди.

Бу урғочининг шохлари эркаклар шохидан жуда фарқланади (сур. қар.). Улар ниҳоятда ассиметрик. Ўнг шохининг узунлиги 11 см, ўзи деярли тўғри, асосий



С. В. Толмеева сурати

Шохдор сайғоқ урғочиси.

қисми озроқ, учи эса анча олдинга ва ташқарига бурилган. Чап шохи бошидан ёнига ва бир мунча олдинга деярли горизонтал ўсади, пастга бир марта қайрилган ва унинг учи юқори ва олдинга қараган. Бу шохнинг узунлиги 14 см, остки қисмининг диаметри 1,8 см. Шохларнинг остки қисми қолган қисмига нисбатан тўқроқ. Бу урғочининг кўпайиши бўйича маълумотлардан фойдаланган ҳолда урғочиларда шохлар мавжудлиги организмда гормонал бузилишлар билан боғлиқ деб тахмин қилиш мумкин.

“Яшкульский” сайғоқ питомнигида яйловлар агромелиорацияси

В.Н.Федосов

ГУ «Қалмоғистон республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази»

Қалмоғистон Республикаси Яшқўл районида 2002 йилдан бошлаб сайғоқларни ярим эркин шароитда кўпайтириш бўйича питомник фаолият кўрсатяпти. Питомник 800 гектар қўриқ ва яримчўл ерларда жойлашган. Ориқ ерларда намликнинг танқислигида ўсимликлар сийрақлашган бўлади (проекцион қоплам 50-60% ташкил этади). Питомникда тупроқ етарлича оғир механик таркиби, юқори зичлиги ва шўрланиши билан тавсифланади, бу ҳаво ёғинларини тўла сингишига тўсқинлик қилади. Шувоқ устунлик қилувчи тур бўлади. Бу шароит сайғоқлар учун аъло даражада тўғри келади. 68 бошдан иборат бўлан пода атрофи металл сетка билан ўралган 62 гектар майдонли вольерларда боқилади (*Saiga News*, 2 сон. қар.).

Яйловлардан қисқа вақт фойдаланилганига қарамай,

(2003 йилдан), сайғоқларни йил бўйи чегараланган ҳудудда боқилиши ўсимликларнинг ўзгаришига олиб келди, бу вольер ичидаги ва сиртидаги ер қопламини солиштирганда яққол кўринади. Ҳайвонлар шувоқ ва бир қатор бошқа ўсимликларни танлаб ейди, бу фитоценозда уларнинг ўрнини буғдойиқ босишига олиб келяпти. Вольерлар ташқарисида, чорва мол боқиладиган жойларда шувоқли қоплам сақланиб қолади. Сайғоқларни вольерларда кузги-қишки мавсумда қўшимча озиклантиришга харажатлар кўпаяди.

Қалмоғистонда ёйиладиган моллар, айниқса қўйларнинг катта сони XX асрнинг иккинчи ярмида яйловларнинг деградацияси, ўсимликларнинг озуқа сифатида муҳим турларининг ўқолишига ва чўлланиш жараёнларини ривожланишига олиб келди.

Юзага келган муаммони ечиш учун “ҚР Ёввойи хайвонлар марази” (Яшқўл питомнигини ўзига олган) ва Вильямс номидаги ем-хашак УИТИ яйловларнинг махсулдорлигини ошириш устида ишлаяпти. Ҳам жойлардаги муҳим хашаки, ҳам Ўрта Осиё ва бошқа регионлардан келтирилган ўтлар синовдан ўтказилаётган арид хашаки ўсимликлар тажриба питомниги яратилди. “Яшкульский” питомнигининг атрофи ўралган участкасида прутняк (турли географик морфалари), шўраларнинг яримбута турлари: шарқ ва кам баргли, терескен, камфоросма, кора саксовул, чўл сулисининг тажриба экинлари жойлаштирилган. Бироқ, Қалмоғистондаги ерлар олиб келинган ўсимликларнинг табиий ареалидаги ерлардан анчагина фарқланишига қарамай, интродуцентларнинг кўпи муваффақиятли ўсиб кетди, улар билан шаклланган сунъий фитоценозлар эса юқори махсулдорлиги билан тавсифланади. Синалаётган ўсимликларни хайвонлар яхши емоқда.

2007 ва 2008 йй. кузида тажрибадаги ўсимликларнинг уруғи териб олинди, улар бош экинлар майдонини кенгайтириш учун ишлатилди.



“Яшкульский” питомнигининг тажриба участкасида

2008 й. баҳорда сайғоқларни боқиш учун вақтинча фойдаланилмаётган вольерга терескен экинлари экилди. Келажакда биз муҳим хашаки ўсимликлар экинларини кўпайтириб, уларни экишни кенгайтиришга ўтмоқчимиз.

Аскания-Нованинг янги очилиши

В.А. Миноранский

“Чўл жонли табиати” Ассоциацияси, Жанубий федерал университети

Москвада (2009 й. август) (асосий мақ. кўр.) биологов-овшуносларнинг ХХІХ-чи Халқаро конгресси доирасида хайвонларни кўпайтириш бўйича турли питомниклар орасида фаолиятини мувофиқлаштирилишини ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш тавсия этилган эди. Келишувга мувофиқ, 2009 йил 20-23 сентябрда Ростов (Россия) делегацияси Украинада “Аскания-Нова” ЮНЕСКО биосфера қўриқхонасига ташриф буюрди (*Saiga News*, 9 қар.). Делегация “Чўл жонли табиати” Ассоциацияси, “Ростовский” биосфера қўриқхонаси, “Донской” от заводи, ҳамда Ростов области хайвонот дунёси объектлари ва сув биологик ресурсларини муҳофазалаш ва улардан фойдаланиш Департаментининг ходимларидан иборат эди.



Аскания-Нова қўриқхонаси асосчиси Ф.Фальц-Фейннинг қурилатган ёдгорлиги ёнида.

Қўриқхонанинг кўп йиллик тарихи, кўп авлодларнинг ҳалол меҳнати, ўтарларнинг катта майдони ва деярли табиий шароитларда яшайдиган хайвонларнинг кўп турлари “Аскания-Нова” ни кўпгина олимлар, натуралистлар ва сайёҳларни ўзига жалб этадиган ноёб

жой қилади (бу йил қўриқхонани 126 мингдан ортиқ одам зиёрат қилди). Қадимий катта йўлдаги қудук билан бирга бу ўсимлик ва хайвонот хилма-хиллигини скиф ва бошқа чўл кўчманчилари томонидан қолдирилган 17 тошдан ясалган ҳайкал қўриқлайди.

Бизнинг ташрифимиз вақтида ўтарларда 300 га яқин сайғоқ бор эди, уларнинг 70 дан ортиғи 2009 й. туғилган. Жониворларнинг асосий қисми битта пода бўлиб турарди. Баъзида чўлда яқка зотлар ва кичик гуруҳлар учрарди. Сайғоқлар табиатда хуррак ва эҳтиёткор бўлишини билиб қўриқхонада сайғоқлар одамларни ўзига қанчалик яқин йўлатиши тўғрисида қизиқдик. Қўриқхона директори биз билан чўлга чиқди ва биз “Нива” автомашинасида сайғоқлар подасига 25-40 метрга яқинлашдик. Бу бизга антилопаларни яқиндан кузатишимизга имкон берди.

Қўриқхона ходимлари бизни қўриқхона фаолиятининг барча томонлари билан таништирдилар, улар томонидан ўтказилаётган тадқиқотларнинг кўп қирралилигини кўрсатдилар, барча саволларимизга тўлиқ жавоб бердилар. Ўз навбатида Ростов делегацияси вольерларда сайғоқ, тувалоқ ва бошқа хайвонларни кўпайтириш бўйича Донда тўпланган тажрибаси билан ўртоқлашди. Биз қўриқланадиган чўл муҳофазаси ва табиатни муҳофазалаш фаолиятини молиялаштирилишининг қийин муаммоларини музокара қилдик. Шунингдек, яқинда жойлашган Украина чорвачилик ИТИга ҳам ташриф буюрдик. Кўп йиллардан бери институт қўриқхона билан яқин алоқаларни сақлайди ва илмий тадқиқотларни ўтказишда ёрдам беради.

“Аскания-Нова” ва “Ростовский” биосфера қўриқхоналари ўртасида ҳамкорлик, хайвонлар билан алмашинув, биргаликда публикациялар тайёрлаш ва экологик таълим, туризм ва табиатни муҳофазасини ривожлантириш бўйича битим имзоланди. Бу, айниқса БМТ қарори билан дунёнинг барча мамлакатларида 2010 йилда нишонланаётган, Халқаро биохилма-хиллик

йилида жуда муҳимдир. Биз “Аскания-Нова” делегациясини Дон ерлари ва Ростов биосфера қўриқхонасига истаган вақтида келишга таклиф қилдик. Бизнинг таклифимиз миннатдорчилик билан қабул қилинди ва биз энди Украиналик меҳмонларимизнинг ташрифига тайёргарлик кўрамыз. Эҳтимол, улар 2010 й. баҳорда келадилар. Бу вақтга сайғоқларни кўпайтириш бўйича марказларнинг халқаро бирлашмасини ташкил этиш бўйича лойиҳа тайёрлашимиз ва уни миллий тизимлар ва Кўчманчи турлар бўйича Конвенция Котибиятига тақдим этишимиз керак бўлади. “Чўл жонли табиати” Ассоциацияси бундай бирлашманинг фаол аъзоси бўлиши мумкин, бироқ бунинг учун Ростов биосфера қўриқхонаси ёнида, Манич- Гудило

кўл. соҳилида янгидан тузилаётган питомникнинг вольерларини кенгайтириш ва яхшилаш бўйича Ростов области Маьмуриятининг кўшимча ёрдами керак бўлади. Шунингдек, 60-чи йилларда, сайғоқ мамлакатимизда ҳали бундай ноёб бўлмаганида, Астрахан области худудида муваффақиятли ишлаган сайғоқ биологияси бўйича лабораторияга ўхшаш махсус лаборатория тузиш ҳам муҳимдир. У сайғоқларни ўстириш технологиясини такомиллаштириш (сунъий қочиришгача) билан шуғилланади. Унинг илмий тадқиқотлари режаларини шакллантиришда “Аскания-Нова” қўриқхонасининг Украина чорвачилик ИТИ билан ўзаро ҳаракати тажрибасидан муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

С. В. Толмеева сурати



Сайғоқлар подаси.

Лойиҳалар шарҳи

Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс кичик грантлар дастурининг 2009 й. ғолиб лойиҳалари



WCN ва CIC Сайғоқни сақлаш бўйича Альянснинг 2009 й. кичик грантлар дастурини қўллаб-қувватлади, бу бизга сайғоқ бўйича тўртта лойиҳани молиялаштириш учун танлаб олишга имкон берди. Дастур бюджети 2000 АҚШ долларгача бўлган мустақил лойиҳаларни молиялаштириб, сайғоқни табиатда сақлаш бўйича ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди. Барча лойиҳалар CMS Сайғоқни сақлаш бўйича Ҳамжихатлик меморандуми (ХМ) Ўрта муддатли халқаро ишчи дастурининг бажарилишига аҳамиятли хисса қўшиши ва бу билан дастурнинг замонавий ва амалий зарур деб топилган бандлари бўйича реал ўзгаришларни кафолатлаши керак.

Бундай ёндашиш ХМ ва унинг талабнома берувчи ва халқаро аудиторияни ўз ичига оладиган кенг омма учун муҳимлиги тўғрисида маълумотни кенгайтиради. Бу танловнинг асосий мақсади сайғоқни жойларда сақлаш учун ёрдам тизимини куриш. Танлов йирик ИИЧБлардан ўз иши учун халқаро моддий ёрдам олиш имконига эга бўлмаган одамларга қаратилган. Биз, SCA оиласига қўшилади деган умидда, олдинги ғолибларимизга доимий тармоқли ёрдам кўрсатамиз, биз уларга ресурслардан фойдаланишга ва ишларини давом эттиришга илҳомланишига ёрдам беришимиз мумкин. Лойиҳаларни танлашда Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс аниқ мезонлардан фойдаланишга асосланади,

улар бўйича лойиҳалар ташкилий қўмитанинг ҳар бир аъзоси томонидан мустақил баҳоланади, кейинчалик эса бу баҳолашга асосланиб, юқори балл тўплаган лойиҳалар танлаб олинади. Бу йил табиатни муҳофазалаш тематикасининг турли йўналишларини ва турли географик худудларни яхши тақдим этадиган тўрта ажойиб лойиҳамиз бор.



Анатолий Хлуднев, «Степной» заказнигининг директори, Астрахан обл., Россия. Бу заказник 10 000 бош сайғоқни қўзилаш даврида муҳофаза қилиш учун катта аҳамиятга эга. «Степной» заказниги «Черные земли» қўриқхонаси билан чегарадош ва у билан бирга браконьерликдан қаттиқ жабрланаётган популяциянинг муҳофазасини таъминлайди.

Анатолий Россия армиясининг заҳирадаги подполковниги, унинг кичкина содиқ командаси, сайғоқни, айниқса йилнинг сайғоқ учун кескин бўлган вақтида, бу учун машиналарда ухлашга тўғри келишига ҳам қарамай (чунки заказник худудида уларнинг биноси йўқ), туну-кун муҳофазасини таъминлайди. Анатолий грант пулини автомашиналарга ЁММ сотиб олиш учун ишлатади. Улар сотиб оладиган бензин миқдори уларнинг муҳофазага сарфлайдиган вақтини узайтириб, патруллаш самарадорлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқ, бироқ бунинг учун маблағ топиш жуда қийин.

Биз Анатолийни қўллаб-қувватладик, чунки унинг ҳаракати сайғоқни табиатда сақлаб қолишга ёрдам беришига ишончимиз комил. Сайғоқнинг россия популяцияси браконьерликдан жиддий жабрланмоқда, шунинг учун, бундай иш жуда ҳам зарур (“Сепной” заказнигида браконьерлик билан муваффақиятли курашиш тўғрисида ушбу соннинг “Янгиликлар” қисм. кар.).



Гуйхон Цзян 2008 й. августдан Хитой WCS ходими бўлиб ёввойи табиат объектларининг савдосини ўрганиш соҳасида ишляпти. Бундан олдин у 15 йил Хитой табиатини муҳофаза қилиш бўйича давлат ташкилотда ишлаган. Унинг иши, савдонинг ососий маркази - Гуанчжоуда ёввойи табиат объектларининг нолегал савдосига қаратилган.

У ўрганиш, мониторинг ва муҳим манфаатдор тарафлар (тиббийёт ходимлари, бизнесмен ва жамоатчилик)ни жалб этиш билан шуғилланади.

Гуйхон олган грант, сайғоқ шохининг асосий сотилиш жойи бўлган Гуанчжоудаги Кингпин анъанавий хитой медицинаси бозорида сайғоқ шохини савдосини ўрганишга ишлатилади. У бу бозорда таълим компаниясини ташкиллаштиради, манфаатдор тарафларни сайғоқни сақлаш ва қўнунлар тўғрисида хабардор қилади, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоялаш фаолиятини ўтказишда ёрдам бериш учун, Гуанчжоу ўрмончилик хўжалиги Бошқармасига ҳисобот тақдим этади. Биз Гуйхонни қўллаб-қувватладик, чунки сайғоқ учун турғун келажак курси бўлса, унинг сақланишига истеъмолчиларни жиддийроқ жалб этиш зарур.



Вера Воронова – Караганда Давлат университети талабаси ва Караганда ЭкоМузейининг экологик билим бериш бўйича лойиҳанинг техник ассистенти. У жуда ишқивоз орнитолог, волонтер сифатида қушларнинг экологияси ва уларни сақлаш бўйича кўп ишлаган, шу жумладан, университетда орнитологик клуб яратишда иштирок этган ва

Тян-Шанда дала базасида илмий ассистент бўлиб ишлаган.

Вера олган грант сайғоқ тўғрисида инфор­мацион стенд яратиш, Караганда обла­стида бу турни сақлаш тўғрисида буклетлар чиқариш, ҳамда маҳаллий мактаблар ва ЭкоМузей вебсайти учун қўлланмалар тайёрлашга ишлатилади. Караганда обла­сти бетпақдала популяцияси учун ёз мавсумида жуда муҳим худуд бўлгани ва бу ерда маориф ишлари етарли даражада олиб борилмаётгани учун, биз Верани қўллаб-қувватладик. Шунингдек, бу Верага бизнинг бошқа регионлардаги тажрибамиздан фойдаланиб, сайғоқни сақлаш тарафдорларининг маҳаллий тармоғини яратишда ёрдам беришига аминимиз.



Артур Нуридджанов Ўзбекистон Республикаси Давлат табиат назорати Қўмитасида ишлайди. 2008 й. Орол денгизида жойлашган Возрождение ороли, ҳозирда яриморолида экологик аудит ўтказган. Бу тадқиқот натижалари *Saiga News* 9-сонида босилган, www.saiga-conservation.com.

Бу ерда Совет даврида, Совет Иттифоқининг инқирозидан кейин ташлаб кетилган, ёпиқ ҳарбий база жойлашган эди. Орол одамларнинг ташрифи учун 2007 й. яна очилди, уларнинг кўпчилиги ташлаб кетилган биноларни талон-тарож қилиш билан ва чўчимага ҳайвонларни топганда, ноқонуний овлаш билан шуғилланди. Нефть компанияси учун Артур томонидан ўтказилган аудит, яриморол ҳозиргача чўл экотизимининг хилма-хиллиги ва сайғоқнинг резидент группировкаси нуктаи назаридан катта аҳамиятга эгаллигига қарамай, экологик вазиятни кескин ёмонлашишини кўрсатди.

Бу грант Артурга Возрождение яриморолида сайғоқнинг тарқалиши ва сонини ўрганиш бўйича ишини давом эттиришга ёрдам беради. У ҳали кеч бўлмасидан яриморолда қўриқланадиган худуд яратиш ғоясини олға суришда маълумотдан фойдаланади. Биз Артурни қўллаб-қувватладик, чунки бизнинг фикримизча бу лойиҳа шошилиш – вазият кескин, бироқ бу худуд сайғоқ ва бошқа чўл турларини сақлаб қолиш учун муҳим бўлиши мумкин.

Биз ғолибларимиз билан фахрланамиз, ҳамда бу муҳим ишни қувватлашимизга имкон берган WCN ва СИС миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Э.Дж. Милнер-Гулланд, e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk

Мўғлистонда йирик сут эмизувчиларни сақлашга янги ёндашиш

2009 й. октябрда WWF Мўғлистон MAVA фондининг молиявий қўмағида “*Saiga tatarica mongolica*, мўғил сайғоғини авиа ҳисобга олиш” дастурини бошлади. Бу лойиҳанинг асосий мақсади Мўғлистонда авиаучетларни йирик сут эмизувчиларни ҳисобга олиш стандарт усули ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлар самарадорлигини ошириш учун мажбурий восита сифатида қўллашдан иборат. Биринчи лойиҳа сифатида сайғоқни ўрганишни ташкил этиш ва ўтказишдан бошладик. Бу лойиҳанинг мақсади мўғул сайғоғи

популяциясини ишончли ва қайта тикланадиган баҳолаш усулини яратиш ва популяцияни бошқариш учун самарали усул тақдим этишдан иборат. Мўғул сайғоғини авиа ҳисобга олиниши 2010 йилнинг кузига режалаштирилган. Биз ҳисобга олишни самолёт ва текширув жойини танлашни ўзига олган барча техник ва услубий томонларини ишлаб чиқдик, тайёрлов семинар ва учувчи экипаж тренинги ўтказилди, ҳисобга олиш шакллари тайёрланди.

Янги нашрлар



В.М.Смирин

Европа ва Шимолий Осиё дашт ҳайвонларининг тасвирлари. Фан ва санъат – экологик таълимга / Тузувч. А.И. Олексенко, А.В. Зименко, П.П. Дмитриев, Е.В. Зубчанинова. - М.: Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш маркази нашр-ти, 2008. - 92 б., ил.

Машҳур зоолог ва натуралист-рассом В.М. Смириннинг янги китоби, шубҳасиз, чўл регионлари яшовчилари, мактаб ўқувчилари, студентлар, педагоглар, зоологлар, экологлар, табиат ишқивозлари ва ҳимоячилари учун қўлланма ва қўнғил учун китоб сифатида жуда қизиқарли бўлади. Инсон фаолиятдан қаттиқ жабрланган чўл унинг ғамхўрлиги ва муҳофазасига муҳтож. Китобда тақдим этилган экологик таълим ва маърифатга иккита ёндошишнинг бирга қўшилиши бунга ёрдам бериши мумкин. Атласга иллюстрациялар, ўзига қараб чизилган лавҳалар,

В.М. Смириннинг кузатувларидан (1931–1989) лавҳалар китобхонга ҳайвонларнинг яшаш тарзи ва феъли тўғрисида яхшироқ билиб олишга ёрдам беради. Чўл яшовчилари: сайғоқ, корсақ, чўл сассиккузани ва бошқа ҳайвонларни ўрганишга қўп йиллар бағишлаган, маҳоратли зоологлар ёзган турлар очеркларини ҳайвонларнинг тасвири тўлдирди.

Китобнинг электрон матни (pdf, 7 Мб) қуйидаги манзил бўйича:

[http://www.biodiversity.ru/publications/books/ecoeducation/Smirin Steppe 2008 web.pdf](http://www.biodiversity.ru/publications/books/ecoeducation/Smirin%20Steppe%202008%20web.pdf)

Китобни қуйидаги манзилда буюртма қилишингиз мумкин:

E-mail: biodivers@biodiversity.ru
Тел./факс: (499) 124 71 78, 124 50 22

Эълонлар



Сайғоқ бўйича ХМ имзолаган тарафлар Кенгаши 2010 йилда Мўғулистонда бўлиб ўтади

UNEP/CMS Котибияти Мўғулистон табиат, атроф муҳит ва туризм Министрлигининг таклифи туфайли, 2010 й. сентябрда Улан-Баторда антилопа сайга (*Saiga tatarica tatarica*)ни сақлаш, тиклаш ва ундан турғун фойдаланиш бўйича ҳамжиҳатлик Меморандумини имзолаган томонларнинг узоқ кутилган 2-чи кенгаши бўлиб ўтиши ҳақида мамнуният билан эълон қилади. Кенгаш олдидан министрликлар вакиллари билан икки кунлик техник йиғилиш ташкил

этилади, унда сайғоқ бўйича экспертлар ўрта муддатли халқаро ишчи дастурининг бажарилиши ва мониторинг олиб бориш каби бошқа саволларни муҳокама қилади. Кенгашнинг аниқ муддати CMS вебсайтида эълон қилинади www.cms.int/species/saiga/saiga_meetings.htm. кейинги маълумотларни олиш учун манфаатдор иштирокчи ва экспертлар д-р Алина Кюльга мурожаат қилиши мумкин, akuehl@cms.int; secretariat@cms.int.

Миннатдорчиликлар

Сайғоқни сақлаш бўйича Альянс, сўнги 6 ой ичида фаолиятимзни қўллаб-қувватлаган қуйидаги инсонларга чин дилдан миннатдорчилигини билдиради: Мэги Брайнт, Винс Мартинга ва Ёввойи Табиат Фондига, Марджори Паркерга, Мишель Хакеттга, Глория ва Кент Маршалларга, Стивен ва Карин Чейзларга, Джей ва Тейлор Конвейларга, Кеннон ва Боб Хадсонларга, Линда Табор-Бекга, Джефф Флокенга, Энн Мэри Бурзуинга ва Бред Робертсга, Монфорт Джейсга, Ким ва Кевин Никейнларга, Мишел Линвиллга, East Bay Zoological Society, Марк Герардга, Присцилла Петтитга, Брентон Хэдга, Сюзан Хитингга, Борис Станконига, Корина Хертелга, Эндрю Холманга, Салли МакМулленга, Даниэл Мулвейга, Хеллен Галанд ва Джесси Беттенсетга (Spitalfields City Farm), Софи Арловга, Христиан Вензелга (www.saiga.de). WCN ва FFI барча ходим ва волонтерларига, шунингдек бир неча йил давомида WCN ҳар йилги қўрғазмасидан Saiga News бюлетени учун суратлар тақдим этадиган ажойиб сураткаш Мартин Варонга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Шунингдек, Rufford Foundation, WCN, CIC ва WWF-Мўғулистон –ушбу сон чиқишини қўллаб-қувватлаган ташкилотларга миннатдорчилик билдирамиз.



Мундарижа

Асосий мақола

Милнер-Гулланд Э.Дж. Биолог-овшунослар халқаро иттифоқининг XXIX Конгрессида сайғоқ музокара мавзуси бўлди 1

Янгиликлар 2

Илмий мақолалар

Цутер Ш. Қозоғистонда сайғоқни кузатиш 9

Ито Т.Й., Шинода М., Есипов А.В., Грачев Ю.А., Милнер-Гулланд Э.Дж. Устюртда сайғоқни сунний йўлдош орқали кузатиш бўйича лойиҳа бошланди..... 10

Бувейбаатар Б., Янг Дж.К., Лхагвасурен Б., Бергер Дж., Файн А. Мўғул сайғоқчаларининг омон қолиши бўйича янги маълумотлар..... 11

Чимеддорж Б. Фарбий Мўғулистон, Буюк кўллар хавзасида сайғоқни сақлаш 12

Леон Дж., Сингх Н.Дж., Арылов Ю.Н., Обгенова О.Б., Милнер-Гулланд Э.Дж. Сайғоқнинг тарқалишини ҳаритага олишда маҳаллий аҳолининг билимларидан фойдаланиш мумкинми? 13

Миноранский В.А. “Европа даштларининг ноёб ҳайвонлари маркази” да шохдор сайғоқ урғочиси 15

Федосов В.Н. «Яшкульский» сайғоқ питомнигида яйловлар агромелиорацияси 15

Миноранский В.А. Аскания-Нованинг янги очилиши 16

Лойиҳалар шарҳи 17

Янги нашрлар 19

Эълонлар 19

Таҳрир ҳайъати. Буюк Британия: Милнер-Гулланд Э.Дж., Империял Коллеж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: Бекенов А. ва Грачев Ю., Зоология интституту (teriologi@mail.ru); Хитой: Кан А., WCS Хитой (akang@wcs.org); Мўғулистон: Лхагвасурен Б., ва Чимеддорж Б., WWF-Мўғулистон (lkhagvasuren@wwf.mn; chimeddorj@wwf.mn); Россия: Лушчекина А., Экология ва эволюция муаммолари институту (rsmabcom@gmail.com) ва Арилов Ю., Қалмоғистон Республикаси ёввойи ҳайвонлар маркази (kalmsaiga@mail.ru); Ўзбекистон: Бикова Е. ва Есипов А., Зоология институту (esipov@xnet.uz).

Олти тилнинг ҳар қандайда материал юборишингизни сўраймиз. Илтимос, уларни куйидаги манзил бўйича esipov@sarkor.uz, saigaconservationalliance@yahoo.co.uk ёки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень бир йилда икки марта чиқади.

Бу нашрни online www.saiga-conservation.com, <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html> ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да, шунингдек pdf, ёки сўровнома бўйича қаттиқ нусха кўринишида инглиз, қозоқ, хитой, мўғул, рус ва ўзбек тилларида топиш мумкин.